

Aziz Sh. TAJIEV,
*PhD. in history, Scientific Secretary of the Imam
Maturidi International Scientific Research Center.
A.Kadiri str 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: aziztoho_83@mail.ru*

VII-VIII ASRLARDA ХАДИСЛАР ЁЗМА ЖАМЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ПИСЬМЕННЫХ СОБРАНИЙ ХАДИСОВ В VII-VIII ВЕКОВ

FEATURES OF THE WRITTEN COLLECTIONS OF HADITH IN THE VII- VIII CENTURIES

КИРИШ

Ҳадислар ислом динининг Қуръони каримдан кейинги иккинчи асосий манбаси сифатида мусулмон халқларнинг дунёқарашини, тафаккур тарзи ҳамда қадриятларининг шаклланишига улкан таъсир кўрсатган. Айни вақтда ҳадислар ислом дини асослари ва таълимоти ҳамда тарихига оид қимматли маълумотларни бериш билан бир қаторда, юксак ахлоқий манба ҳам ҳисобланади.

Ҳадислар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтган сўзлари, қилган ишлари, тақрирлари (бирор ишни кўриб, ундан қайтармаганлари ёки маъқуллаганлари), одоб-ахлоқлари, ташқи кўринишлари ҳамда биографиялари (пайғамбар сийрати)га оид маълумотларни акс эттирган ривоятларни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, ҳадисларни илмий асосда ўрганган мутахассис – муҳаддислар уларни “қавлий” (قولی), “феълий” (فعلي), “тақририй” (تقريري), “халқий” (خلقي) ва “хулқий” (خلقي) деб номланувчи турларга таснифлаган ҳолда тадқиқ қилганлар. “Ҳадис” (حديث) – кўпликда “аҳадис” (أحاديث) – сўзи луғавий жиҳатдан “гап”, “сўз”, “хабар”, “хикоя”, “янги”, “замонавий” деган маъноларни англатади (В. Гиргас, 2006:15).

Ҳадисларга бўлган илмий қизиқиш, хусусан, уларни изчил ўрганиш илк ислом давридаёқ бошланган. Жумладан, саҳобийларнинг ҳадисларни ўрганишга бўлган ёндашувлари, хусусан, уларни тушуниш, шарҳлаш ва амалиётга татбиқ этишда қўлланилган услублар умумий ном билан “Улум

ал-ҳадис” (Ҳадис илмлари) деб номланувчи, ҳадисларга оид барча тармоқларни ўз ичига олувчи илмнинг юзага келиши ҳамда ривожланишида муҳим аҳамият касб этган.

Саҳобийлар ҳадисларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бевосита эшитиш, у зотнинг қилган ишлари ва тақрирларига бевосита ёки билвосита гувоҳ бўлиш орқали қабул қилиб олганлар. Маълум сабабларга кўра Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мажлисларида иштирок эта олмасдан, ҳадисларни бевосита у зотдан қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлмаган саҳобийлар уларни бошқалардан сўраб-суриштириб, билиб олганлар. Жумладан, Бароъ ибн Озиб Авсий (ваф. 689–691) бу ҳақда тўхталиб: “Биз барча ҳадисларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларидан эшитмаганмиз. У зотдан эшитмаган ҳадисларни бошқа саҳобийлардан сўраб билиб олар эдик. Баъзан биз туя боқиш билан машғул бўлиб, ҳадисларни эшитиш имкониятига эга бўлмас эдик. Шу сабабли уларни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бевосита эшитган, хотираси кучли саҳобийлардан сўраб билиб олар эдик”, деб таъкидлайди (М. Хатиб, 1981:53).

Юқорида келтирилган маълумотлар саҳобийларнинг ўзлари эшитган ёки гувоҳ бўлган ҳадисларни мукамал тарзда ёдда сақлаб қолишга ҳамда имкон қадар қолганларга ҳам етказишга ҳаракат қилганларини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, ҳадисларнинг саҳобийлар, сўнгра улардан кейинги авлодлар томонидан ёдда сақланиб, турли ҳудудларга тарқалишига сабаб бўлган. Ҳадисларнинг муҳаддисга етиб келишига кўра “мутавотир” ва “оҳод” деган турларга ажратилиши ҳам айнан уларни бевосита эшитган ёки гувоҳ бўлган саҳобийларнинг адади билан боғлиқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

Саҳобийлар ва ёши улуғ тобеинлар яшаган VII асрда ҳадислар ҳали тўплам шаклига келтирилмаган эди. Бироқ айрим саҳобийларда шахсий фойдаланиш мақсадида турли ашёларга ёзиб олинган ҳадислар мавжуд бўлган. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик чоғида муайян диний масала юзасидан туғилган саволнинг жавобини бевосита у зотнинг ўзидан олиш имконияти мавжуд бўлгани сабабли ҳадисларни бир жойга йиғиб, жамлаб бориш зарурати бўлмаган. Шу билан бир қаторда, Қуръон оятлари нозил бўлиб турган вақтда Пайғамбар

Аннотация: Мақолада VII-VIII асрларда ҳадисларнинг ёзма жамланиши тарихи, хусусан, муҳаддислар томонидан уларни саралаш ҳамда қабул қилишда қўлланилган услуб ва ёндашувлар таҳлил қилинган. Ушбу жараён тарихийлик нуқтаи назаридан саҳобийлар, тобейийлар ҳамда улардан кейин яшаган шахслар даврларига ажратилган ҳолда, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, амалда қўлланилган услублар манбалар асосида тадқиқ қилинган. Шу билан бир қаторда, ҳадислар ёзма жамланиши жараёнининг юзага келиши ҳамда тезлашишига сабаб бўлган омиллар ёритиб берилган. Мақолада ҳадислар ёзма жамланиши тарихининг илк босқичидан тортиб то ҳадис илмининг “олтин асри” сифатида эътироф этилган IX аср – асосий ҳадис тўпламлари яратилган даврга қадар давом этган жараён “китобат”, “тадвин”, “таълиф” ва “тасниф” босқичларига ажратилиб баён этилган.

Калит сўзлар: Қуръон, ҳадис, пайғамбар, саҳобий, тобейий, муҳаддис, мутавотир, оҳод, ҳадис тўплами, китобат, тадвин, таълиф, тасниф, саҳифа, жуз, “ас-Саҳифа ас-содиқа”.

Аннотация: В статье анализируется история письменного собрания хадисов в VII-VIII вв., в частности методы и подходы, используемые хадисоведами при их отборе и принятии. С исторической точки зрения этот процесс делится на периоды сподвижников, последователей и людей, живших после них, на основе источников изучаются особенности каждого из них, применяемые на практике методы. Кроме того, выделены факторы, которые привели к возникновению и ускорению процесса составления хадисов. В статье описывается процесс от первого этапа истории сбора хадисов до девятого века, который признан «золотым веком» хадисоведения - периода создания основных сборников хадисов, разделенных на этапы «китабат», «тадвин», «талиф» и «тасниф».

Ключевые слова: Коран, хадис, пророк, сподвижник, табиин, мухаддис, мутаватир, ахад, сборник хадисов, китабат, тадвин, талиф, тасниф, саҳифа, жуз, “ас-Саҳифа ас-садиқа”.

Abstract: The article analyzes the history of the written collection of hadiths in the VII-VIII centuries, in particular, the methods and approaches used by the hadith scholars in the selection and adoption of hadiths. From the historical point of view, this process is divided into the periods of the companions, the successors (tabiun) and the people who lived after them, and the peculiarities of each of them, the methods used in practice were studied on the basis of sources. At the same time, the factors that led to the emergence and acceleration of the process of compiling hadiths are described. From the first stage of the history of the collection of hadiths to the ninth century, which is recognized as the «golden age» of the science of hadith, the process of «kitabah», «tadvin», «ta'lif» and «tasnif» is the process that lasted until the creation of the main collections of hadith.

Keywords: Qur'an, hadith, prophet, companion, successor of a companion, muhaddith, mutawatir, ohod, hadith collections, kitabah, tadwin, ta'lif, tasnif, saḥifa, juz, “al-Saḥifa al-sodiqa”.

соллаллоху алайҳи васаллам оятлар билан ҳадисларнинг аралашиб кетишининг олдини олиш мақсадида уларни ёзма жамлашдан қайтарганлар. Қуйидаги ҳадисда ушбу амр ўз аксини топганини кўриш мумкин:

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ قَالَ لَا تَكْتُبُوا عَنِّي وَمَنْ كَتَبَ عَنِّي غَيْرَ الْقُرْآنِ
فَلَيْمَحُهُ وَحَدَّثُوا عَنِّي وَلَا حَرَجَ.

“Мендан ёзмаглар. Ким мендан Қуръондан бошқа нарсани ёзган бўлса, ўчириб ташласин. Мендан ҳадис айтинглар, бунда зарар йўқдир” (Муслим, 2007:400).

Қуръони карим ислом динининг асосий манбаи бўлиб, унинг лафзи ҳам, маъноси ҳам ўзгартирилмаслиги қатъий шарт қилинган. Шу сабабли Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам саҳобийларни биринчи навбатда оятларни ёзишга

буюрганлар, ҳадислар эса кейинги босқичда ёзилиши кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, айрим саҳобийлар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан ҳадисларни ёзишга рухсат беришни сўраганларида, у зот рад этганига оид кўплаб ривоятлар нақл қилинган. Жумладан, Абу Саид Худрий (612–693) бу ҳақда қуйидаги маълумотни келтиради:

“Биз Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳадис ёзишга рухсат сўрадик. Бироқ у зот кўнмадилар” (М. Hamidullah, 2007:54).

Илк ислом даврида саҳобийлар орасида ўқиш ва ёзишни биладиганлари кам учраган. Мавжудлари эса Қуръон оятларини ёзиб бориш билан машғул бўлганлар. Вақт ўтиши билан уларга савод чиқаришга бўлган қизиқиш ортиб борган. Натижада Саид ибн Ос (623–679), Саъд ибн Рабиъ Хазражий (ваф. 625), Башир ибн Саъд

НАТИЖА

ибн Саълаба (ваф. 644), Абон ибн Саид ибн Ос (ваф. 634) кабилар ўқиш ва ёзишни ўрганиб олганлар ва ўз навбатида, бошқаларга ҳам ўргата бошлаганлар. Шу тариқа ваҳий котибларининг сони 40 тагача етган (С. Фаврий, 2009:63). Уларнинг сони кўпайиб бориши ҳадисларнинг ёзма жамланиш жараёни тезлаштирган.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, асосий эътибор саҳобийларнинг Қуръонни мукаммал ўзлаштириб, оятларни ёдда сақлашларини таъминлаш мақсадида уларнинг хотирасини сайқаллаштириш, оятларнинг ҳадислар билан аралашиб кетишининг олдини олишга қаратилгани сабабли Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дастлаб ҳадисларни ёзиб боришдан қайтарганлар, деган хулосага келиш мумкин. Бунинг мисоли Абу Саид Худрийдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисда ҳам кўринади:

مَا كُنَّا نَكْتُبُ غَيْرَ التَّشْهُدِ وَالْقُرْآنِ.

“Биз ташаҳҳуд ва Қуръондан бошқа нарсани ёзмас эдик” (Абу Довуд, 2008:211).

Шу билан бир қаторда, манбаларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам оятлар билан бошқа нарсаларнинг битта саҳифага ёзилишини истамагани сабабли саҳобийларни ҳадисларни ёзиб боришдан қайтарганларига оид маълумотлар ҳам учрайди (С. Фаврий, 2009:66). Ўша даврда ёзув воситаларининг камёблигини ҳам бунинг сабабларидан бири сифатида келтириш мумкин. Ҳадис илми бўйича тадқиқотлар олиб борган олим Абдурахмон Итрнинг “Маъолим ас-сунна ан-Набавия” номли асарида қайд этилишича, ҳадисларни ёзишдан қайтарилишига уларнинг оятлар билан аралашиб кетиши ёки уларга ўхшаб қолиши ҳамда ёзув воситаларининг етишмаслиги сабаб бўлган (Абдурахмон Итр, 1986:72–73).

Қуръон оятлари нозил бўлаётган дастлабки вақтда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобийларни ҳадисларни ёзишдан қайтарган бўлсалар, кейинчалик улар оятларни ўзлаштириш кўникмасига эга бўлганларидан сўнг, уларни ёзишга ҳам рухсат берганлар. Кўплаб ҳадисларда бу ҳақда маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, Абу Ҳурайрадан нақл қилинган ривоятда бундай дейилган:

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари орасида ҳадисларни мenden яхшироқ биладигани йўқ эди. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос эса, бундан мустасно бўлиб, у ҳадисларни ёзиб борар, мен эса ёзмас эдим” (Ибн Абдулбар, 1994:299).

Умуман, айрим ривоятларда ҳадисларни ёзишдан қайтарилгани, айримларида эса уларни ёзишга буюрилганига оид маълумотлар тадқиқотлар ўртасида турли фикрларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Бунга бағишланган алоҳида тадқиқотлар ҳам амалга оширилган (А. Бағдодий, 2008). Вақт ўтиши билан, турли диний-ижтимоий ҳодисаларга боғлиқ равишда ҳадисларнинг адади ҳам ортиб борган. Табиийки, уларнинг барчасини ёдда сақлаш қийинлашиб борган, натижада унутиш ҳолатлари ҳам кузатила бошланган. Бу эса, ўз навбатида, ҳадисларни ёзишга рухсат берилишига сабаб бўлган. Жумладан, манбаларда қайд этилишича, саҳобийлардан бири Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига хотирасининг заифлигидан, ҳадиснинг барча сўзларини ёдида сақлаб қола олмаётганидан шикоят қилиб келади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унга “ўнг қўлидан ёрдам сўраш” ни тавсия қиладилар (I.Madani, 2010:19). Ушбу маълумотлар ҳадисларни ёзишга рухсат берилган бошлаганини кўрсатади. Абу Муҳаммад ибн Қутайба Диноварий (828–889), Абу Сулаймон Хаттобий (931–998) каби олимлар эса ёзишга рухсат берилган ҳадислар ёзишдан қайтариш маъносида келган ривоятларни насх қилганини таъкидлаганлар.

Манбаларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (ваф. 683) каби айрим саҳобийларга ҳадисларни ёзишга рухсат берганларига оид маълумотлар учрайди (Абу Заҳв, 1984:54). Улардан Абдуллоҳ ибн Амр ҳадисларни ёзма жамлаган шахс сифатида маълум бўлган. Умуман, илк ислом даврида ҳажман кичик, тизимлаштирилмаган ҳадис тўпламлари мавжуд бўлганига оид маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Амр ёзма жамлаган ҳадислар тўплами “ас-Саҳифа ас-содиқа” деб номланган (М. Хавлий, 1986:30).

Ушбу тўпламга саҳиҳ ҳадислар киритилган бўлиб, у кейинчалик Абдуллоҳ ибн Амрнинг невараси Амр ибн Шуайб (ваф. 895) томонидан ривоят қилинган. Бундан ўша даврда ўзига хос ҳадис тўпламлари мавжуд бўлгани, улар умумий ном билан “саҳифа” ёки “суҳуф” деб номлангани ҳақидаги хулосага келиш мумкин. Афсуски, ушбу тўплам намуналари бизгача деярли етиб келмаган. Бундай ҳадис тўпламларидан бири ҳиндистонлик олим Муҳаммад Ҳамидуллоҳ (1908–2002) томонидан аниқланган ҳамда тадқиқ

этилиб, замонавий нашри амалга оширилган (М.Намидуллоҳ, 2007). Бунинг натижасида илк ислом даврида яратилган ҳадис тўпламларининг ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан, таркибий тузилишини тадқиқ қилиш имконияти пайдо бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу даврда ҳадислар одамларнинг шахсий фойдаланишлари учун, тизимлаштирилмаган ҳолда жамланган.

Шунини таъкидлаш лозимки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўшни минтақаларга юборган мактублари ҳам ўша даврда ҳадисларнинг ёзилганига далил бўлади. Манбаларда қайд этилишича, бундай хатлар Яман, Баҳрайн, Ямома, Хазрамавт, Уммон каби ўлкаларга юборилган (Абу Заҳв, 1984:87). Улар ислом таълимотининг бошқа ҳудудларда кенг тарқалишига хизмат қилган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотидан сўнг мусулмонлар ўртасида халифа тайинлаш масаласида ихтилоф, айрим қабилаларнинг диндан қайтиш ёки закотни тўлашдан бош тортиш каби ҳолатлар кузатилди. Ушбу масалаларга ечим топишга бўлган уринишлар натижасида ҳадисларга нисбатан қизиқиш ортиб кетди. Зотан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тириклигида ўзларини қизиқтирган ҳар қандай саволнинг жавобини бевосита у зотнинг ўзидан олган саҳобийлар, энди бунинг учун Қуръон ва ҳадисларга мурожаат қилишга мажбур бўлганлар. Улар орасида барча ҳадисларни тўлиқ ёддан биладиганлари кам бўлган. Шу сабабли ҳадисларни ёзма жамлаш зарурати юзага келган.

Шу билан бир қаторда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин айрим шахслар томонидан ғаразли мақсадда ҳадисларнинг асл мазмунини ўзгартириш, тўқима ҳадисларни тарқатиш каби ҳолатлар учрай бошлаган. Ушбу салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида саҳобийлар имкон қадар камроқ ҳадис ривоят қилишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, мусулмон олими Диноварийнинг фикрига кўра, Умар ибн Хаттоб (634–644) халифалиги даврида саҳобийлардан ҳадисларни ривоят қилишда эҳтиёт бўлиш, гувоҳи йўқ бўлган ривоятларни инкор қилиш талаб қилинган (М. Хатиб, 1981:92). Шу тариқа ҳадис ривоят қилинганда унинг ровийлари ҳақида сўраш анъанаси пайдо бўлган. Бунга қадар эса санад ҳақида сўралмас эди. Чунки саҳобийлар бир-бирларини яхши таниганлари сабабли улар орасида ҳадисларнинг ўзгартирилиши ёки тўқилиши деярли кузатилмаган. Муҳаммад ибн

Сийрин (653–729)нинг “Дастлаб ҳадиснинг санади ҳақида сўралмас эди. Бироқ фитналар юзага келганидан сўнг инсонлар бир-бирларига “Бизга ровийларингизни айтинглар”, дейдиган бўлдилар. Шу тариқа аҳли сунна вал жамоа томонидан нақл қилинган ривоятлар олиниб, фитна аҳли келтирган ривоятлар эса инкор қилина бошлаган” (Сибоъий, 2000:108-109). деган фикри ҳам юқорида келтирилган маълумотни тасдиқлайди. Бунинг натижасида эса ҳадисларни текшириш, саралаш ва қабул қилишнинг илмий қоиди ва услублари шаклланди. Жумладан, ривоятнинг ишончлилиги даражасини аниқлашда унинг санади муҳим ўрин тута бошлаган. Санадга бўлган эътибор, айниқса, VIII асрга келиб ортиб кетди.

Санад устида ҳатто ғарблик тадқиқотчилар томонидан ҳам илмий изланишлар олиб борилганини кўриш мумкин. Немис олими Жозеф Шахт (1902–1969) ушбу тизимнинг илк ислом даврида мавжуд бўлиб, VIII аср ўрталари – IX асрда яратилган ҳадис тўпламларида ўз ривожининг чўққисига чиққанини таъкидлаб ўтган (Schacht, 1979:163).

Ҳадисларни ёзма жамлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида шунини айтиш мумкинки, ушбу фикрни биринчи бўлиб илгари сурган шахс Умар ибн Хаттоб ҳисобланади. Урма ибн Зубайр (643–713) берган маълумотга кўра, у саҳобийлар билан бу ҳақда кенгаш қилган. Саҳобийлар ҳадисларни ёзма жамлаш ҳақидаги таклифга ижобий жавоб берганлар. Бироқ кейинчалик Умар ибн Хаттоб ушбу фикрдан қайтиб, саҳобийларга: “Мен суннани ёзма қилишимиз эдим. Бироқ сизлардан олдин ўтганлар китоблар ёзиб, ушбу китобларга берилиб кетганларидан Аллоҳнинг Китобини тарқатганлари ёдимга тушди. Мен Аллоҳнинг Китобини бошқа нарсага алмаштирмайман”, деган (Байҳақий, 1984:80-81).

Умуман, саҳобийлар, хусусан, Зубайр ибн Аввом, Абу Убайда Омир ибн Абдуллоҳ (584–639), Аббос ибн Абдулмутталиб (568–653) кабилар ҳадис ривоятида хатога йўл қўйиш, унга асли йўқ бўлган нарсаларнинг қўшилиб кетишининг олдини олиш мақсадида қўп ҳадис нақл қилишдан тийилганлар. Чунки ислом дини таълимотига кўра, динда хатога йўл қўйиш оғир гуноҳлардан ҳисобланиб, саҳобийлар ушбу масъулиятни чуқур ҳис қилганлар. Бугунги кунда ҳам айни жавобгарлик ҳиссини англамаслик айрим шахслар томонидан ислом динига ёт бўлган ғояларнинг тарқатилишига сабаб бўлмоқда.

МУҲОКАМА

Ҳадисларнинг ёзма жамланиш тарихи бора-сида тадқиқотчилар томонидан турли фикрлар билдирилган. Жумладан, ҳадисларни ўрганган олим Абисон Мутайрий ўзининг “Тарих тадвин ас-сунна ва шубухат ал-мушташриқин” номли асариди ҳадисларнинг ёзма жамланиш тарихини китобат (كتابة), тадвин (تدوين), таълиф (تأليف), тасниф (تصنيف) босқичларига ажратган ҳолда тадқиқ қилган (Мутайрий, 2002). Мазкур босқичлар маълум муддат давом этган тарихий давр бўлиб, уларнинг ҳар бирида ҳадисларнинг ёзилиши ва жамланиши ўзига хос кўринишда кечган. Мазкур атамаларнинг ҳар бири ўзига хос мазмун-моҳиятга эга бўлиб, жумладан, “китобат” бирор нарсага ёзилган сўз ёки рақамни, “тадвин” ёзувларни бир жойга жамлашни, “таълиф” турли мавзуларга оид ёзувларни бир жойга жамлашни, “тасниф” эса ёзувларни боб ва фаслларга ажратилган ҳолда, яъни муайян тартибга солинган ҳамда тизимлаштирилган шаклда жамлашни ифодалайди (Ғаврий, 2009:57–58).

Мутайрийнинг келтиришича, ҳадислар ёзма жамланиш тарихининг китобат босқичи ҳижрий биринчи йилда бошланиб, сўнгги саҳобий халифа Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг вафотига қадар, яъни ҳижрий 83 йилгача давом этган (Мутайрий, 2002:35). Ушбу даврда саҳобийлар томонидан шартномалар, васиқалар, мактублар ва фикҳий масалаларнинг ечимлари ёзиб борилган. Жумладан, саҳих тўпламларда Абу Бакр (632–634) закот масаласига оид ҳадисдан нусха кўчиртириб, зарур бўлганда ундан фойдаланганига оид маълумотлар берилган (Бухорий, 1997:309). Умар ибн Абдулазиз (681–720) Мадина шаҳри волийси сифатида фаолият кўрсатганида Солим ибн Абдуллоҳ (ваф. 724)дан ушбу нусхани сўраттириб олгани маълум. Шу билан бир қаторда, умавий ҳукмдор Ҳишом ибн Абдулмалик (724–743) ундан бир нечта нусха кўчиртириб, халифалик таркибидаги ўлкаларга амалий қўлланма сифатида тарқаттирган. Али ибн Аби Толиб (656–661)да ҳам айрим фикҳий масалаларга оид ҳадислар ёзилган саҳифа бўлган (Сибобий, 2000:41).

Саҳобийлар орасида Абдуллоҳ ибн Амр, Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 652), Абдуллоҳ ибн Аббос (619–687), Анас ибн Молик (613–711) кабилар ҳадисларни ёзма жамлашда қолганларга нисбатан фаолроқ бўлганлар. Қибтий (ваф. 660), Саъд ибн Убода Ансорий (ваф. 635), Абу Мусо

Ашъарий (ваф. 664), Самура ибн Жундуб (ваф. 677), Абу Рофеъ, Абу Ҳурайра (603–678), Жобир ибн Абдуллоҳ (606–697), Абдуллоҳ ибн Абу Авфа (ваф. 705), Ҳаммом ибн Мунаббих (660–750), Абдуллоҳ ибн Амр, Абу Салама Нубайт ибн Шарит Ашжаий кабиларда эса ўзларининг шахсий саҳифалари мавжуд бўлган (Ғаврий, 2009:76–77). Улар орасидан Абдуллоҳ ибн Амр, Анас ибн Молик, Саъд ибн Убода, Самура ибн Жундуб кабилар ҳадисларни ёзиб бориш учун шахсан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан рухсат сўраганлар (Мутайрий, 2002:41–45).

Юқорида келтирилган маълумотлар ҳадисларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тириклигидаёқ саҳобийлар томонидан ёзила бошланганини кўрсатади. Жумладан, Абу Бакр Анас ибн Моликка закот масалаларига оид, Умар ибн Хаттоб Утба ибн Фурқад ва Абу Убайда ибн Жарроҳ (584–639)га, Али ибн Аби Толиб Усмон ибн Аффон (576–656)га, Оиша бинт Абу Бакр (ваф. 678) Муовия ибн Абу Суфён (608–680) га, Абдуллоҳ ибн Зубайр (623–693) Утба ибн Масъудга ҳадислар ёзилган хатларни юборганлари манбаларда қайд этилган (Мутайрий, 2002:46–47). Бироқ VII асрнинг биринчи ярмида ҳадислар китоб шаклида жамланмаган ҳолатда бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, илк ҳадис тўпламлари муайян фикҳий масалага оид ҳадисларни ўзида жамлаган “жуз” (جزء) – кўплик шакли “ажзоъ” (أجزاء) кўринишида бўлиб, “қисм”, “бўлак” деган маъноларни англатади – китобларидан иборат бўлган. Ушбу тўпламларнинг ўзига хос хусусияти сифатида шуни айтиш мумкинки, уларда фақат битта мавзуга оид ҳадислар қамраб олинган эди. Жумладан, Зайд ибн Собит (611–665)да фароиз, Жобир ибн Абдуллоҳда ҳаж масалаларига оид ҳадислар жамланган мана шундай тўпламлар бўлгани маълум (Мутайрий, 2002:39–40).

VII асрнинг ўрталарига келиб, мусулмон жамиятларида содир бўлган ижтимоий-сиёсий ходисалар, шу жумладан, ҳадисларни ёддан билган саҳобийларнинг вафот эта бошлаши, янги юзага келган масалаларнинг ечимларини топишга бўлган уриниш, суннани турли салбий ташқи омиллардан ҳимоя қилиш зарурати натижасида ҳадисларни тадвин қилиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Шу тариқа, VII асрнинг охирларига келиб, ҳадисларни тадвин қилиш жараёни бошланди (Madani, 2010:18–19).

Манбаларда ҳадисларни ёзма жамлашга расмий буйруқ берган илк шахс сифатида Умар ибн Абдулазизнинг номи зикр этилган (Ж.Ҳамроқулов, 2014). Бироқ аслида бунга қадар ҳам расмий доирада ушбу ишни амалга оширишга бўлган ҳаракатлар кузатилган. Жумладан, Умар ибн Абдулазизнинг отаси Абдулазиз ибн Марвон (ваф. 705) ҳамда бобоси Марвон ибн Ҳакам (623–685)лар ҳадисларни ёзма жамлаш бўйича расмий топшириқ берганлар.

Маълумки, Абдулазиз ибн Марвон Мисрда волий бўлиб фаолият кўрсатаётганида тобеинлардан бўлган Касир ибн Муррага хат ёзиб, ундан Абу Ҳурайрадан бошқа ровийлар нақл қилган ҳадисларни ёзиб юборишини сўрайди. Чунки Абу Ҳурайра томонидан ривоят қилинган ҳадислар бунга қадар Марвон ибн Ҳакам томонидан ёздириб олинган эди. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Умуман, ҳадисларни тадвин қилиш жараёни саҳобийлар даврининг охирларида бошланиб, тобеийлар томонидан давом эттирилган. Жумладан, саҳобийларнинг шогирдларидан бўлган Макхул (ваф. 730), Зухайрий, Робиа ибн Абдурахмон (ваф. 759) кабилар ҳадисларни тадвин қилганлар. Ушбу жараён ўша вақтда саҳобийлар мавжуд бўлган барча шахар ва қишлоқларни қамраб олган бўлиб, асосан, таҳорат, намоз, закот ва бошқа ибодат масалаларига оид ҳадисларни жамлаш қизиқиш кузатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу даврда ҳадисларни тадвин қилиш расмий ва илмий йўналишларда кечган. Халифа ва волийлар томонидан чиқарилган буйруқлар ҳам ҳадисларнинг ёзилиш жараёнини тезлаштирган. Бу ҳақда суннани биринчилардан бўлиб ёзган шахслардан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Муслим Зухрий (671–741) куйидаги маълумотни келтиради: “Умар ибн Абдулазиз бизга суннани ёзма жамлаш вазифасини топширди. Биз уларни дафтарларга жамладик. Сўнгра ҳар бир волийга биттадан дафтар юборилди” (ибн Абдулбар, 1994:331).

Умар ибн Абдулазиз бундай вазифаги юқоридаги мисолдан ташқари Мадина қозиси Абу Бакр Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳазм (616–674) ҳам топширгани маълум. У Мадина аҳли орасида тарқалган ҳадисларни жамлаган бўлса, Ибн Шихоб Зухрий ҳадислар билан бир қаторда, саҳобийларнинг фикҳий қарашларини ҳам тўплаб борган.

Биринчилардан бўлиб Ибн Шихоб Зухрий, Абу Зинод, Солих ибн Кайсон (660–757) каби шахслар ҳадисларни тадвин қилиш билан шуғулланганлар. Улардан кейин ушбу вазифани Маккада Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайж (699–767), Муҳаммад ибн Исҳоқ (703–768), Мадинада Саид ибн Абу Аруба (689–773), Робий ибн Субайх, Молик ибн Анас (711–795), Басрада Ҳаммод ибн Салама (ваф. 783), Куфада Абу Абдуллоҳ Суфён ибн Саид ибн Масруқ Саврий (716–777), Шомда Абу Амр Авзойи, Хуросонда Абдуллоҳ ибн Муборак (736–798), Яманда Маъмар ибн Рошид (714–770), Райда Жарир ибн Абдулҳамид (728–804), Санъода Абдураззоқ ибн Хумом Санъоний (744–826)лар давом эттирганлар (Абу Заҳв, 1984:244).

Илмий йўналишда тобеинлар орасидан етишиб чиққан олимлар саҳобийлар ёдда сақлаган ёки ёзиб қўйган ҳадисларни ёдлаш, ўрганиш ҳамда тадвин қилиш билан машғул бўлганлар. Айни вақтда улар саҳобийларнинг фикҳий қарашларини ҳам жамлаб борганлар. Натижада ҳадис тўпламларига саҳобийларнинг фикрларини ҳам киритиш одат тусига айланган. Бунинг тасдиғини куйидаги маълумотда ҳам кўриш мумкин. Солих ибн Кайсон: “Мен Зухрийнинг олдида бордим. Биз илм талабида ҳадисларни ёзишга қарор қилдик. Шу тариқа Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан нақл қилинган ривоятларни ёзиб олдик. Сўнгра Зухрий: “Саҳобийлардан нақл қилинганларини ҳам ёзамиз, улар ҳам сунна ҳисобланади”, – деди. Мен: “Улар сунна эмас, уларни ёзмаймиз”, деб жавоб бердим. Зухрий саҳобийларнинг сўзларини ҳам ёзди, мен эса ёзмадим”, деган (Ибн Абдулбар, 1994:332).

VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳадисларни илмий йўналишда тадвин қилиш жараёнига саҳобийларнинг шогирдларидан бўлган Абдуллоҳ ибн Зайд (591–652), Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб (610–693), Муҳаммад ибн Ҳанафия (636–700), Омир Шаъбий (641–723), Ҳасан ибн Абулҳасан Басрий (642–728), Урва ибн Зубайр (644–713), Ато ибн Абу Рабоҳ (647–732), Муҳаммад ибн Сийрин (653–729), Муовия ибн Қурра (656–731), Саид ибн Жубайр (665–714), Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн ибн Абу Толиб (676–732), Курайб ибн Аббос (ваф. 712), Солим ибн Абулжаъд (ваф. 718), Макхул Шомий (ваф. 730), Қатода ибн Диома (ваф. 736), Сулаймон ибн Мусо (ваф. 737),

ХУЛОСА

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Уқайл ибн Абу Толиб (ваф. 762), Амр ибн Шуайб ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (ваф. 895), Сулаймон ибн Қайс, Хулос ибн Амр, Башир ибн Нуҳайк каби олимлар салмоқли ҳисса қўшганлар.

Умуман олганда, тобеинлар даврида ҳадисларни илмий ўрганиш саҳобийлар даврига қараганда кенг тарқалган. Бунга ривоятларнинг турли ҳудудларга ёйилиши, санад йўлларининг кенгайиши, ровийлар исм ва куняларининг хилма-хиллиги, ҳадисларни ёддан билган шахсларнинг вафот этишлари, арабларга хос бўлган ёдда сақлаш малакасининг заифлашиши, турли бидъатларнинг кўпайиши каби бир қатор омиллар сабаб бўлган.

Тобеинлар орасида Мужоҳид ибн Жабр (645–722), Саид ибн Жарир (665–714), Абу Қилоба (ваф. 723), Зайд ибн Абу Униса (ваф. 742), Абу Зубайр Муҳаммад ибн Муслим (ваф. 746), Айюб ибн Абу Тамима (687–749), Хишом ибн Урва ибн Зубайр (680–763) кабиларда ҳадислар жамланган саҳифалар мавжуд бўлган (Заҳравоний, 2005:75).

VIII асрда кичик тобеинлар ҳамда улардан кейингилар ҳадисларни тадвин қилишни давом эттирганлар. Ушбу даврда ривоятларни тизимлаштирилган, шу жумладан, алоҳида бобларга ажратилган ҳолда жамлаш анъанаси шаклланган. Шу билан бир қаторда, бу даврда илк мусаннаф тўпламлари ҳам яратила бошланган. Саҳобий ва тобеинлар даврининг охирларига келиб ҳадислар алоҳида бобларга ажратилган ҳолда тадвин қилинган бўлса-да, бироқ уларни тасниф қилиш жараёни кейинги даврларда амалга оширилган (Заҳравоний, 2005:80). Умуман, ҳадисларни тадвин қилиш тахминан ҳижрий 70 йилда бошланиб, 120 йилга қадар давом этган (Мутайрий, 2002:50).

Ҳадисларни тасниф қилиш эса ҳижрий 120 йилдан бошланиб, тахминан 150 йилга қадар давом этган (Мутайрий, 2002:83). Ушбу босқичда илк сунавон тўпламлари вужудга кела бошлаган, Макка, Мадина, Шом, Ироқ ва Миср каби ҳудудларда тасниф жараёни кенг тус олган. Абдулмалик ибн Журайж, Саид ибн Абу Аруба, Абдурахмон ибн Амр Авзойи, Маъмар ибн Рашид, Шўъба ибн Ҳажжож (702–777), Суфён Саврий, Зоида ибн Қудома (ваф. 778), Ҳаммод ибн Салма (ваф. 783), Лайс ибн Саъд (713–791), Абу Авона Ваззоҳ ибн Хolid, Молик ибн Анас каби олимлар ҳадисларни тасниф қилинишига улкан ҳисса қўшганлар.

Этник хилма-хиллик, турли дин ва маданиятлар қоришуви, ислом тарқалган ҳудудларнинг географик жиҳатдан тезлик билан кенгайиб бориши натижасида мусулмон жамиятида юзага келаётган турли масалаларга жавоб топиш, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан сўнг пайдо бўла бошлаган турли адашган диний оқимларнинг деструктив фаолиятига қарши курашиш, жамиятдаги айрим ғоявий ва фикрий бўлинишларга барҳам бериб, эътиқодий бирликни асраб қолиш зарурати ҳадисларни ўрганишга бўлган қизиқишнинг кескин ўсишига сабаб бўлди. Зеро, турли оқимлар, кўп ҳолларда ҳатто айрим шахслар томонидан ҳадислардан турли мақсадларда фойдаланиш, асли мавжуд бўлмаган ҳадисларнинг тўқилиши, мавжудларига эса ислом таълимотига тўғри келмайдиган ёт шарҳ ва таъвилларнинг берилиши жараёни айрим мусулмонларнинг тўғри йўлдан адашишларига олиб келди. Буларнинг натижасида олимлар олдида ҳадисларни илмий-танқидий ўрганиш, саралаш, жумладан, ишончлисини ишончсизидан ажратиб бериш, қабул қилишдек муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифа туғилди. Улар томонидан ишлаб чиқилган ҳадисларни саралаш ва қабул қилишнинг илмий тамойиллари, қонун-қоидалари мутаассиб оқимлар ботил ақидавий қарашларининг тўқима ҳадислар ёки ривоятларга берилган нотўғри шарҳ ва таъвил кўринишида кенг тарқалиб кетишининг олдини олишга хизмат қилди.

Шу сабабли илк ислом даврида саҳобийлар орасида Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб кабилар ушбу заруратни англаб етган ҳолда, ҳадисларга турли тўқима ривоятлар аралашиб кетишининг олдини олишга, саҳиҳ ривоятларни ёзма ёки оғзаки шаклда узатиш орқали жамлаш ва сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратдилар. Саҳобийлар даврида ҳадисларнинг ёзма жамланиш жараёни китобат – мавжуд ёзув воситаларига уларни ёзиб бориш орқали кечди. Кейинчалик, ҳукмдорлар ва қозиларнинг турли масалалар юзасидан ҳукм чиқариш фаолиятини осонлаштириш мақсадида саҳобийлар даврида турли ашёларга ёзилган ҳадисларни девонларга тўплаш вазифаси амалга оширилди. Бу ҳадис илми тарихида ривоятлар ёзма жамланишининг тадвин босқичи сифатида намоён бўлди.

Муҳаддис олимлар томонидан ҳадисларни ёзма жамлаш методологияси ва услублари янада ривожлантирилгач, ҳадислар жамланган алоҳида китобларни яратиш – таълиф, сўнгра яратилган ушбу китобларни муайян тартиб ва тизимга солган ҳолда бобларга ажратилган ҳолда қайта ишлаш – тасниф жараёни содир бўлди. Шу тариқа II/VIII асрнинг иккинчи ярми – III/IX аср бошларида бугунги кунда бизга қадар етиб келган ҳадис тўпламларида қўлланилган деярли барча ёндашув ва услублар шакллантирилиб, такомиллаштирилди. Кейинги даврда яратилган барча тўпламлар асосан ушбу услублар атрофида тасниф этилди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурахмон Итр. Маъолиму-с-суннати-н-набавия. – Иордания: Мактабату-л-манор, 1986.
2. Абисон Мутайрий. Тарих тадвини-с-сунна ва шубухату-л-мушташрикин. – Қувайт: Жомиъату-л-Қувайт, 2002.
3. Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Собит Хатиб Бағдодий. Тақйиду-л-илм. – Қоҳира: Дору-л-истикома, 2008.
4. Абу Бакр Байҳақий. ал-Мадҳал ила-с-сунани-л-кубро. – Қувайт: Дору-л-хулафа ли-л-китоби-л-исломий, 1984.
5. Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас. Сунаи. – ар-Риёз: Мактаба дори-с-салом, 2008. Ж. 4.
6. Абу Бакр Байҳақий. ал-Мадҳал ила-с-сунани-л-кубро. – Қувайт: Дору-л-хулафа ли-л-китоби-л-исломий, 1984.
7. Абу-л-Хусайн Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиху-л-Муслим – ар-Риёд: Мактаба дори-с-салом, 2007. Ж. 7.
8. Абу Умар Юсуф ибн Абдулбар. Жомиъ баёни-л-илм ва фазлиҳи. – Ар-Риёд: Дор ибн Жавзий, 1994.
9. Гиргас В.Ф. Арабско-русский словарь к Корану и хадисам. – Москва: Диля, 2006.
10. Джон Бёртон. Мусульманское предание: Введение в хадисоведение. – Москва: Диля, 2006.
11. Ж. Ҳамрокулов. Ҳадис илми истилоҳлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014.
12. Joseph Schacht. The Origins of Muhammadan Jurisprudence. – London: Clarendon Press, 1979.
13. Ibrahim Madani. The Preservation of Hadith / a Brief Introduction to the Science of Hadith. – New York: Madania Publications, 2010.
14. Муҳаммад Абдулазиз Хавлий. Тарих фунуни-л-ҳадиси-н-набавий. – Байрут: Дор ибн Касир, 1986.
15. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиху-л-Бухорий. – ар-Риёз: Мактаба дори-с-салом, 1997. Ж. 2.
16. Муҳаммад ибн Матор Заҳравоний. Тадвину-с-суннати-н-набавия нашъатуҳу ва татаввuruҳу мина-л-қарни-л-аввал ила ниҳояти-л-қарни-т-тасиъи-л-хижрий. – Мадина: Мактаба дори-л-минҳаж, 2005.
17. Муҳаммад Ижож Хатиб. ас-Сунна қабла-т-тадвин. – Байрут: Дору-л-фикр, 1981.
18. Muhammad Hamidullah. The Emergence of Islam. – India: Adam Publishers & Distributors, 2007.
19. Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳв. ал-Ҳадис ва-л-муҳаддисун ав инояту-л-уммати-л-исломия би-с-суннати-н-набавия. – Байрут: Дору-л-китоби-л-арабий, 1984.
20. Мустафо Сибобий. ас-Сунна ва маканатуҳа фи-т-ташриъи-л-исломий. – Байрут: Дору-л-варроқ, 2000.
21. Саййид Абдулмажид Ғаврий. ас-Суннату-н-набавия ҳужжийатуҳа ва тадвинуҳа. – Байрут: Дор ибн Касир, 2009.

